



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Сарвар Аюбовна Исхакова Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
Шехроза Маджитовна Каримова Инновации в сфере услуг общественного питания	25
Рахима Жамshedовна Курбанова Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
Зарина Муродовна Муҳаммедова Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
Eldor Anvarovich Nozimov Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Жунайдилло Садиевич Файзиев Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

Рахима Жамшедовна Курбанова – СамИСИ доценти, PhD

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА
ЎТКАЗИШНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МОДЕЛИ**

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш қорхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказиш моделининг босқичма – босқич технологияси бўйича ташкилий механизмлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: модел, рақамли платформа, ташкилий механизм, техник-технологик ҳолат, рақобатбардош, виртуал, инфратузилма, қорхона электрон платформи.

Кириш. Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. . Иқтисодиётимизни рақамлаштириш -бу рақамли технологияларни ҳаётнинг турли соҳаларига кенг жорий этиш: саноат, иқтисодиёт, таълим, маданият, хизмат кўрсатиш ва бошқалар ҳисобланади. Бунинг асосий ечими барча хизмат кўрсатиш қорхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказиш керак. Чунки, рақамли иқтисодиёт қорхоналарда янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади, рақамли технологиялар орқали янги бозорларга кириш ва интернет орқали товарлар савдосини ва хизматларни осонлаштиради, ишлаб чиқарувчиларни бевосита сотувларини ташкил қилиши, электрон витриналардан фойдаланиш, тармоқ ва тармоқлараро виртуал биржаларни ташкил қилиш имконини яратади, глобал миқёсда, глобал бозорларда қорхоналарнинг рақобатбардошлигини оширади ва ҳ.к. Шунинг учун, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш қорхоналарининг рақамли иқтисодиётга ўтишининг ташкилий - иқтисодий механизмлари бўйича танланган мавзу асосли ва ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳозирги вақтда, хизматлар соҳаси бўйича олиб борилаётган ишларда рақамлаштириш методологияси¹, соҳа рақамли платформаларини яратиш моделлари², унинг саноат қорхоналари билан трансформацияси³, тадбиркорлик структурасининг рақобатбардошлигига таъсири⁴ ва бошқалар кўрилаётган бўлсада, хизматлар кўрсатиш қорхоналари бўйича изланишлар кам. Шунинг учун, бу борада илмий тадқиқотларни изчиллаштириб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш қорхоналарини рақамли иқтисодиётга босқичма–босқич ўтказиш: қорхоналарда сервер тизимини ташкил этган ҳолда, рақамли технологияни яратиш, маҳаллий-, тармоқлараро- республика миқёсида рақамли платформаларни ташкил этиш асосини яратиш, рақамли платформаларга киришини рағбатлантириш асосида изчиллаштириш, республика ва халқаро ташқи алоқаларнинг ўрнатилишида қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва республика, халқаро тизимлардан тўлақонли фойдаланиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради”⁵. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида

¹Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.

²Грибанов Ю.И. Основные модели создания отраслевых цифровых платформ / Ю.И. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234. – 1,1 п.л.

³Скрут В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208

⁴Бабкина А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – С. 40874102. doi: 10.18334/rp.18.24.38670

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Зарафшон” газетаси, 2019 йил 23 январь. 9-10-сон, 3- саҳифа.

этибор қаратиш зарур”. Ундан ташқари, Президентнинг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида, республикамызда “...рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш”, Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди, ҳамда ЎЗР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада, инновацион усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланишининг таҳлилида, бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромад ёки миллий маҳсулотни ҳосил қилувчи, улар иқтисодиётида бўлган барча товарлар ёки унга тенг бўлган харажатлар оқимининг айланма механизмини англатувчи, ривожланишини тушунтирувчи “Иқтисодий оқимлар айланмаси модел”ларини таҳлил этиб, унинг рақамли иқтисодиётда қандай бўлиши асосланди ва иқтисодий оқимлар айланмасининг рақамли иқтисодиёт платформаси модел 1-расмда келтирилган.



1-расм. Иқтисодий оқимлар айланмаси моделининг рақамли иқтисодиёт платформаси модели

Бозор иқтисодиётининг такомиллашган иқтисодий оқимлар айланмаси ва унинг рақамли иқтисодиёт платформаси модел - диаграммасининг бир биридан фарқи, шундаки, рақамли платформада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида талаб ва таклиф асосида тўғридан тўғри муносабат ўрнатилади: ишлаб чиқарувчилар товарларни ишлаб чиқариб истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб берса, истеъмолчилар уни қабул қилиб олиб, унинг тўловини бажаради ва бу билан айланма цикл ҳосил бўлади. Бунда рақамли иқтисодиёт операторлари (IT мутахассис ходимлари, тузилмаси) ва регулятор IT тизими, сервис хизмат кўрсатувчилар ёрдам беради. Бундай модел, барча анъанавий бизнес моделига ўз таъсирини кўрсатиб, унинг мазмун моҳиятини рақамли иқтисодиёт шаклига келтиради, буни рақамли иқтисодиёт янги бизнес моделига ўтиш схемаси мисолида кўришимиз мумкин. Агар, анъанавий модел бўйича: стратегик режалаштириш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, омборларда сақлаш, транспортировка ва логистика, маҳсулотларни истеъмолчиларга сотиш учун сотув корхоналарга беришдан ташкил топган бўлса, рақамли иқтисодиёт шароитида стратегик планлаштириш ўрнида, ишлаб чиқарилиши керак бўлган маҳсулотлар бўйича маълумотлар таҳлили ўтказилиб, бозорлар ўрганилиб, кейин ишлаб чиқарилади (бунда маҳсулот тури, миқдори, кимларга

мўлжалланганлиги ишлаб чиқаришдан олдин аниқланади ва ҳ.к.), кейин эса, қисқа муддатга сақлашга ва истеъмолчилар талаби асосида сотувга қўйилади ва анъанавийдан ўзининг мазмун моҳияти билан фарқ қилади. Чунки, рақамли иқтисодиётда мунтазам равишда, маълумотлар таҳлили ўтказилиб ишлаб чиқаришга оптимал, реал миқдорда топшириқ берилади, шунингдек маҳсулотларни сақлашда реал вақт режимида оптимал вариантда сақланади, истеъмолчилар буюртмаси, талаби асосида сотувга чиқарилиб, бунда истеъмолчилар билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатилади. Натижада, барча жараёнлар тезлашади, фақат керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, сақлашда қотиб қолмасдан сотувга чиқарилади. Рақамли иқтисодиётнинг назарияси шаклланишида, унинг кирраларини ёритувчи тавсифи, хусусиятлари, мазмуни ва моҳиятига асосланган таърифлари, креатив ҳар бир фикрлар илмий асосланган жамламаси таҳлил этилиб, унинг асосий хусусиятларини аниқладик (1 - жадвал).

1-жадвал

Рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари¹

т/р	Асосий хусусиятлар	Изоҳ
1.	Атомлар ҳаракатидан битлар ҳаракатига ўтиши	Рақамли иқтисодиётнинг метафора шаклида, бундай ўтиши натижасида, номоддий маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқаришида, атомларни қайта ишлашдан, битларни қайта ишлашга ўтиши (дастур кодлари материясига ўтиши) тушунилади.
2.	Жисмоний оғирлиги йўқолиб, ахборот дастурлари (ҳажми) кодлари билан алмашилиши	Маҳсулотларнинг жисмоний оғирлиги йўқолиб, ахборот дастурлари кодлари билан алмашилиши билан катта ҳажмда ахборот сақланиши муддатини, ҳажмини, хотирасини, узатишни гипер тезликка оширади.
3.	Замон ва маконнинг «йўқ бўлиши», вақт омили қийматининг ўзгаришига олиб келиши	замон ва маконнинг «йўқ бўлиши» (тўғрироғи улар орасидаги тўсиқ бекор бўлади), кўплаб ишлаб чиқариш омиллари, вақт омили қийматининг ўзгаришига олиб келади ва жараённинг жуда тез ўтиши билан изоҳланади;
4.	Номоддий актив ва маълумотлардан катта ҳажмда фойдаланиш мумкинлиги	Катта ҳажмда фойдаланиш, таҳлил қилиш имкониятини беради кўп томонлама бизнес моделлари кенг жорий этиш ва қиймати яратиш содир бўлган ваколатга аниқлаш мураккаблиги таянгани билан характерланиши
5.	Виртуал муҳит эканлиги	Буюмлар интернетини виртуал дунёни реал дунё билан бирлаштиришга имкон беради, сунъий интеллект эса буюмлар интернетидан олинган жуда катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламлари асосида хулосалар ва қарорлар шакллантириши ва янги дунёни инсон кўзига кўринадиган қилиб қўяди
6.	Гипер -уланиш эканлиги	Рақамли иқтисодиёт- гипер -уланиш эканлиги, яъни интернет, мобил технологиялар ва интернет нарсалар туфайли шаклланган одамлар, ташкилотлар ва машиналарнинг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги
7.	Синергетик хусусиятга эгаллиги	Ижтимоий тизим доимий ўзгаришда бўлиши, институционал шакллар тасодифий ўзгаришлари (флуктуация) - тизим микродаражасида тартибсизлик кўрсаткичи ва унинг ривожланиш имкониятидир.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари асосида унинг статистик изланишлар ва иқтисодий билимлар институтининг (“ИСИЭЗ” НИУ ВШЭ) унификацияланган икки қисмли таърифнинг рақамли технологиялар қисмига “генерация” (одам билан электрон воситалар диалоги) жараёнини киритиб, таърифни бир бутун шаклга келтириб, қуйидагича таклиф қиламиз: рақамли иқтисодиёт - рақамли технологиялар ва маҳсулотлар, хизматларни яратиш, тарқатиш ва рақамли технологиялар (маълумотларни генерациялаш,

¹ Тадқиқот асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш, узатиш ва электрон шаклда тақдим этиш)дан фойдаланиш фаолиятидир.

Хозирги вақтда рақамли иқтисодиёт амалиётида турли платформалар кенг қўлланиб келинмоқда. Уларнинг яратилиши ва ривожлантирилиш стратегиялари тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Платформаларнинг яратилиши ва ривожлантириш стратегиялари¹

Т/р	Платформаларни яратиш ва ривожлантириш стратегиялари	Стратегияларнинг инглизча номи	Мисоллар	Изоҳ
1	Пастдан юқорига «органик ўстириш»	Organic bottom up approach	Ayla Networks платформаси STM32F3 назоратчилари ёрдамида яратилган	Платформалар субъектлари тизими иерархияси бўйича пастдан юқорига «органик ўстириш»
2	Юқоридан пастга ўстириш	Organic topdown approach	IBM IoT Foundation платформаси	Платформалар субъектлари тизими иерархияси бўйича юқоридан пастга «органик ўстириш»
3	Ҳамкорликни ривожлантириш	Partnership approach	GE Predix HTC Thingworx альясини яратилиши	Платформалар субъектлари тизими бўйича ҳам горизонтал, ҳам вертикал даражаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш
4	«Қўшилиш ва ютилиш» стратегияси	M&A approach	AWS IoT нинг 2015 йилда Амазон сотилиши натижасида elemetry Nokia AlcatelLucent бизнес бирлашиши	Мавжуд компанияларнинг бир бирига қўшилиши ёки ютилиши
5	«Инвестицион ёндашув» стратегияси	Investment approach	Cisco нинг тактик инвестицияси IoT барча экосистемаси критилиши	Кичик корхоналарга катта миқдорда инвестиция бериш йўли билан ривожланиши

Ҳар бир давлатда платформаларнинг яратилиши ва ривожлантириш стратегиясини танлашда, платформалар субъектларининг даражаланиши иерархик тизими бўйича танланиши лозим. Шунинг учун, Ўзбекистон хизмат кўрсатиш корхоналари, аксарияти хозирги вақтда дастлабки яратилиш даврида бўлганлиги учун, рақамли иқтисодиётга ўтиши учун пастдан юқорига «органик ўстириш» стратегияси танланди ва унинг ўтиш босқичлари аниқланди (3-жадвал).

3 -жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақамли иқтисодиётга ўтиш босқичлари (пастдан юқорига «органик ўстириш» стратегияси бўйича)².

№ т/р	Рақамли иқтисодиётга ўтиш (трансформация) босқичлари	Функционал ривожланиш даражаси бўйича платформалар	Ўтиш босқичларининг асосий вазифалари	Натижа
1.	Рақамли маълумотлар йиғиш	Технологик Функционалли Инфраструктурал	Рақамлаштириш - барча маълумотларни рақамли форматга келтириш	Оптималлаш-

¹ Тадқиқот асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

² Тадқиқот асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

		и Корпоратив Информацион Маркетплейс Тармоқли		тириш
2.	Рақамли инфраструкту- рани ўрганиш ёки яратиш	Технологик Функционалли Инфраструктура- ли Корпоратив Информацион Маркетплейс Тармоқли	Рақамли технологияларни татбиқ этиш- рақамли технологияларни шакллантириш	Самарадор- лиги
3.	Рақамли моделлар ишлаб чиқиш ёки тайёрлаш	Технологик Функционалли Инфраструктура- ли Корпоратив Информацион Маркетплейс Тармоқли	Рақамлаштириш-рақамли технология фойдаланувчиларининг алоқа каналларини ўрнатиш ва қайта қуриш (технология фойдаланувчилар ўзаро таъсири учун рақамли маконни шакллантириш)	Ҳамкорлик
4.	Рақамли иқтисодиётга ўтиш	Технологик Функционалли Инфраструктура- ли Корпоратив Информацион Маркетплейс Тармоқли	бу бизнес концепцияси ва форматини қайта қуриш (ижтимоий-иқтисодий трансформация тизимнинг барча рақамли технологиялар потенциалидан максимал даражада фойдаланиб ўзаро таъсирга ўтказиш)	Эволюция

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишда, босқичма-босқич ўтказишни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ қилиш модели (4-жадвал)ни қўллаш таклиф этилди.

4- жадвал.

Корхоналарни рақамли иқтисодиётга ўтказишни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ қилиш модели¹

Ўтиш босқичлари	Мазмуни	Бажариладиган ишлар
1. Корхонанинг рақамли иқтисодиётга ўтиши ҳолатини баҳолаш	Компетенцияли ташкилот (мутахассислар) эксперти томонидан экспертиза ўтказилиб конкрет рақамли технологияга ўтишни (рақамли платформасини яратишни) баҳолаб хулоса қилиш	-корхона иқтисодиёти ҳолатининг таҳлилининг ўтказиш; - корхонада мавжуд электрон воситалар тури, сони ва ҳолатини баҳолаш; -рақамли инфраструктураси ва жараёнлари даражасини аниқлаш; -корхонани рақамли платформасини яратиш мумкинлиги ва унинг истиқболини аниқлаш; - яратиладиган рақамли платформанинг бошқа корхона ва компанияларга интеграцияси; - корхона кадрларининг потенциали ва уларнинг компетенцияси.
2. Корхона рақамли	Компетенцияли эксперт гуруҳини	-мавжуд электрон техникалар таҳлили, потенциали, имкониятлари, тадбиғидаги тўсиқлар, татбиқ этиш

¹ Тадқиқот асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

<p>иктисодиётга ўтиш стратегиясини ва мақсадга эришиш йўллари аниқлаш</p>	<p>ташқил этиш ва корхона рақамли платформасини яратиш, уни корхона фаолият жараёнларига татбиқ этиш йўллари ва тавсияларини ишлаб чиқиш</p>	<p>услуги ва махсус талабларини аниқлаш; -асосий бизнес жараёнларининг ҳолатини таҳлили ва оптималлаштириш ҳамда рақамлаштиришнинг зарурлиги ; - корхона бизнес жараёнларига таъсир этувчи ғоялар генерацияси изланиши, янги истиқболли технологиясини қўллаш; - корхона сервиси ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари рақамли платформасини ишлаб чиқиш, рақамлаштириш платформи бўйича ғоялар, тавсияларни самарадорлиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослаш ва бажариш вариантларини танлаш, татбиқ қилишга қарор қабул қилиш; - корхона ходимлари орасида янги рақамли ғоялари ва маданиятини тарғиб этиш; -ходимларни рақамли иқтисодиётга ўтишга қизиқтириш.</p>
<p>3.Рақамлаштириш бўйича дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш</p>	<p>Рақамли технолгияни (платформаси) синов лойиҳасини ишлаб чиқиш ва корхонада татбиқ этиш</p>	<p>- олинган натижаларни назоратини олиб бориш ва баҳолаш; - татбиқ натижаларини расмийлаштириш; - ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган рақамлаштириш технологияси (платформаси) интеграцияси бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.</p>
<p>4. Масштаблаш</p>	<p>Корхона рақамли иқтисодиётга ўтиши бир бутун стратегиясини формаллаштириш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш</p>	<p>- олинган натижаларни умумлаштириш ва бошқа корхоналар (ташқилотлар)га татбиқ этишга тавсия қилиш; -рақамли технологиларни (платформаларини) имкониятларни қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; -корхонада янги рақамли технологияларни (платформаларини) ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва интеграциясини олиб бориш.</p>

Хулоса ва таклифлар. Ушбу моделда келтирилганларни бажаришда, албатта, корхона ҳолатидан келиб чиқилади, чунки моделда келтирилганлар бир-бири билан «органик боғланган» бўлсада, лекин идеал эмас ва реал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши, қўшимчалар киритиш ва ўзгартириш мумкин. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, ушбу масала бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бердик:

1. Корхонанинг рақамли иқтисодиётга ўтиши ҳолатини диагностикасини ўтказиш ва баҳолаш;
2. Корхона рақамли иқтисодиётга ўтиш стратегиясини ва мақсадга эришиш йўллари аниқлаш;
3. Рақамли технологияни (платформаси) синов лойиҳасини ишлаб чиқиш ва корхонада татбиқ этиш;
4. Корхона рақамли иқтисодиётга ўтиши бир бутун стратегиясини формаллаштириш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабкин А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – С. 40874102. doi: 10.18334/rp.18.24.38670

2. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b.

3. Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.

4. Грибанов Ю.И. Основные модели создания отраслевых цифровых платформ / Ю.И. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234. – 1,1 п.л.

5. Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

6. Скруг В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208

7. Курбанов Ж.М., Курбанова Р.Ж.Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент:Ношир нашриёти,2019. -168 б.

Р.Курбанова	R.Kurbanova
Модель реализации перехода предприятий сферы услуг на цифровую экономику	A model for implementing the transition of service sector enterprises to the digital economy
<p>Аннотация. В статье излагаются организационные механизмы поэтапной технологии реализации модели перевода предприятий сферы услуг на цифровую экономику.</p> <p>Ключевые слова: модель, цифровая платформа, организационный механизм, технико-технологическое состояние, конкурентная, виртуальная, инфраструктура, электронная платформа предприятия.</p>	<p>Abstract. The article shows the organizational mechanisms of step-by-step technology for implementing the model of transferring service sector enterprises to the digital economy.</p> <p>Keywords: model, digital platform, organizational mechanism, technical-technological state, competitive, virtual, infrastructure, enterprise electronic platform.</p>

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ докторанти

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАРНИ ИННОВАЦИЯЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада иқтисодий тарққийнинг инновацион моделига ўтказиш, шу асосда хизмат кўрсатиш соҳасига инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш тизимини яратиш лозимлиги ёритилган.</p> <p>Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, инвестицион ресурслар, инновациялар, механизм, иқтисодий механизм, иқтисодий элемент.</p>

Кириш. Жаҳон хўжалигининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологияларни амалга ошираётган мамлакатлар миллий иқтисодиёти жадал суръатлар билан юксалиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ёки жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмалардан унумли фойдаланишга асосланади.¹

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодиётда янги натижа ва ютуқларга, миллий рақобатбардошликни оширишга эришиш учун инновацияларни кенг миқёсда жорий этиш зарур. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион

¹ Джалилов Ф.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият ривожланишига услубий ёндашув // Иқтисод ва молия. 2022. 5 (153), 58-бет.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.